

АДАБИЁТЛАР

[1]. Хемлев Н.Г. Компоненты содержательной структуры слова. Изд МГУ, 1969. –С.24.; [2]. В.Т.Гуднев. Словарь культуры XX века –М.: Аграф. 1999. –С.105-106.; [3]. Георг Клаус. Сила слова (Гносеологический и прагматический анализ языка) –М.: «Прогресс». 1967. –С.29.; [4]. Нейматов Қ., Бозоров О. Тил ва нутқ, –Т.: 1993. 14-б.; [5]. Хожалиев И., Илмий Хабарлар. журнал ФДУ. 2001. 152-б.; [6]. Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. Андижон 1992. 20-б.; [7]. М.П.Павлов. Исследования высшей нервной деятельности, «Избранные Произведения» –М.: 1949, –С.389.

Ўзбек тилшунослиги кафедраси.

Қабул қилинди:
23.09.2003.

УДК: 808-01.

«САРОБ» РОМАНИДА ПОРТРЕТ ВА ХАРАКТЕР УЙҒУНЛИГИ

И.Рустамова

Ёзувчи А.Қаҳҳор ижодига назар ташласак, унинг асарларида аёл образи ўзига хос талқин этилганлигини кўрамиз. Адибнинг роман, ҳикоя ва драмаларида турли касбдаги ҳар хил характердаги аёлларни учратамиз. «Сароб» романидаги Муниҳон, Сораҳон, «Синчалак»даги Саида, «Минг бир жон»даги Мастура, «Даҳшат»даги Унсин каби образлар хилма-хиллиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Адиб яратган аёллар образи чин маънодаги ўзбекона ва, шу билан бирга, бетакрорлиги билан ажралиб туради. «Даҳшат»даги Унсиннинг жасорати, «Синчалак»даги Саиданинг иродалилиги, «Минг бир жон»даги Мастуранинг матонати ҳар қандай кишини лол қолдиради. Саноқни яна давом эттиришимиз мумкин, аммо мақсадимиз А.Қаҳҳорнинг «Сароб» романидаги икки образ - Муниҳон ва Сораҳон образларининг ўзига хос жиҳатлари ва бу образларни яратишдаги А.Қаҳҳорнинг санъаткорлик маҳорати ҳақида тўхталиб ўтишдир.

«Сароб» бош қаҳрамони Раҳимжон Саидий фаолиятини тўлақонли ёритилишида Муниҳон ва Сораҳонларнинг роли катта. Машҳур ёзувчи бўлиш ниятида бўлган Саидий ўқишга келганда, дастлаб Муниҳонга дуч келади. Муниҳон билан бўлган учрашувлар уни бутунлай бошқа бир оламга, Салимхон ва Аббосхонлар оламига олиб киради. Кейинчалик Саидийнинг ҳаёти Сораҳон билан боғланади.

Демак, романнинг умумий сюжетида, Саидий образининг ривожланишида, роман конфликтда ҳар икки образнинг ўзига хос ўрни бор. Аёллар образини яратиш, уларнинг мураккаб руҳий оламини тасвирлаш ёзувчидан катта маҳорат талаб этади.

Муниҳон – мол-дунёга ўч, бойликни ҳар нарсадан устун қўядиган, акаларининг чизган чизигидан чиқмайдиган қиз. Киборлар дунёсидаги тарбия уни худбин, молпараст қилиб қўйди. У шу боис янгиликни тан олмайдиган, инсон маънавий бойлигини менсимайдиган, ҳатто муҳаббатни ҳам бойлик билан ўлчайдиган образ сифатида тасвирланади. Унинг характердаги бу мураккаблик роман сюжетида адиб томонидан ўзига хос равишда талқин этилади. Муниҳон илк маротаба Саидийни кўрганда, «чиройли йигит экан» деб кўнгил қўйди. Аммо кейинчалик Саидийнинг Муниҳон ўйлаганчалик мол-дунёси йўқлиги маълум бўлиб қолди. Бир томондан акасининг қистови билан, иккинчидан эса бойлик илинжида Мухторхонга кўнгил қўйди.

Мухторхон ҳақидаги таърифни муаллиф дастлаб шундай келтиради. «Муниҳон нимжон, хотинчалиш бу одамни бир неча марта кўрган» [1]. Аввалига Муниҳон ҳам шундай фикрда эди. Кейинчалик акаси Мухторхоннинг бойлиги ҳақдаги гаплар унинг қарашларини ўзгартириб юборди. Муниҳон Мухторхон ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди, нуқсонидан «фазилят» қидира бошлади. –«Муниҳон унинг суратини қидириб топти-да, унга узоқ

тикилиб, анча нарсалар кашф этди: кўзи унча ҳам юмалоқ эмас, қора билаги унча ҳам ингичка кўринмайди, озгина семирса ўртача одам бўлар...» [2] дейди. – Мунисхондаги бу оғмачилик уни бир умрга бахтсиз қилди. У ўзи суймаган «ўртача одам» – Мухторхон билан яшашга маҳкум этилди. Саидий ҳам худди Мунисхон сингари фазилатлар қидириб топишга мажбур бир шахс эди.

Сорахон образини яратишда А.Қаҳҳор ўзининг ёрқинистеъдодини кўрсатган десак, муболаға бўлмайди. Чунки унинг портретини тасвирлашда ҳеч кимга ўхшамаган жиҳатларини усталик билан кўрсатиб беради. «Сорахон отасига ўхшаб ориқ бўлса-ку, росмана қизлардай бўлар эди-я, у энг ориқ қизларга қараганда ҳам ориқ, шунинг учун бўлса керак, одатдан ташқари новча кўринади, юрганда худди икки-уч еридан букилиб кетаётгандай туюлади; шундан ўзи ҳам хавфсирагандай, гавдасини олға ташлаброқ юради. Кўк қорашоҳи кўйлакнинг кенг этаги остидан чиққан савачўп сингари оёқлари доим гавдасидан кейинда қолиб, мувозанатни сақлашга шошилади» [3].

Муаллиф томонидан берилган бу таъриф Сорахон образининг ташқин қиёфасини китобхон кўз олдига келтиради. Гарчи, Мунисхон худбин бўлса ҳам, келишган қиз эди. Саидий истаса, истамаса Сорахонни унга солиштириши табиий. Ҳар икки образни бир-бирига қиёслаш орқали Саидийнинг ҳолатини янада атрофлича очиб беришга эришилади. Портрет тасвирини давом эттириб, муаллиф шундай ёзади: «Елкасидан озгина пастга тушиб турадиган икки ўрим қора, зотли сигирнинг думи сингари қўнғироқ сочлари тез-тез кўкрагига тушиб, уни қаҳр билан елкага ташлашга мажбур қилмаса, орқадан қўрган киши Сорахонни оғир бир нарса олиб кетаётган гумон қилади» [4]. Бадий асарларда сунбулга қиёсланган соч муаллифнинг ниятига хизмат қилиб, асарнинг умумий ғоясидан келиб чиқиб, зотли сигирнинг думига қиёс қилинади. «Деталь – бу услуб», – деб тасвирлайди Бюффон, А.Қаҳҳор ижодий услубини белгилашда ҳам деталнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор [5]. Икки ўт ўртасида қолган Саидий Сорахоннинг нуқсонларини эмас, фазилатларини қидириб, кўнгил қўйишга тиришади. Бойликка бўлган интилиш Саидийни Сорахонни севишга ундади, чунки у ҳам отасининг ягона меросхўри эди-да, Сорахон хунук, бу рост, «аммо истараси иссиқ» [6]. «Чойнакда олиб келинган чой, қизил ип» воқеалари Саидийга хунук хотинининг гўзал фазилатлари бўлиб кўринди. Унинг меҳрини қозонди. Саидий орзу қилгандан ҳам зиёда тўйлар бўлиб ўтди, у ўзи истаган бойликка ҳам эришди, аммо ҳаётида нимадир кам, нимадир кемтик эди. Муродхўжа ҳам куёвига осонликча жон берадиган қайноталардан эмас эди. Секин-аста Сорахоннинг ҳам, унинг булбулигўё онасининг ҳам, қилиқлари чиқа бошлади. Айниқса, Сорахоннинг ўта бефаросатлиги Саидийни тўйдирди: Бир куни Саидийнинг ҳикояси журналда чоп этилиб, ўз хурсандчилигини баҳам кўриш учун уйига қайтади. «Сорахон кафтига қамалган пашшани секин олиб, қанотидан ушлади ва кичкина қайчича билан бошини кесиб юборди. Пашша кўтарилиб уйни бир айланди-да, дераза ёнига бориб тушди. Ундан кўзини узмай қараб турган Сорахон бориб пашшани олди ва юқорига иргитди. Пашша яна учди» [7]. Келтирилган ушбу тасвир ёрдамида А.Қаҳҳор Сорахоннинг маънавий дунёси қанчалик аянчли эканлигини кўрсатиб берди. Муаллиф ортиқча тафсилотларга берилмай, конфликтни янада кучайтириш мақсадида қуйидаги диалогни келтиради:

- Буни кўрдингми? – деди суратлар билан безатилган саҳифани кўрсатиб.

Сорахон журнални қўлига олиб суратларни томоша қилди.

-Нима бу?

-Менинг ҳикоям.

-Неча пул беради шунга?

Саидий ундан бошқа гап кутган эди шекилли, таъби хира бўлиб, ёнбошлади. Сорахон туриб яна пашша қидириб кетди [8].

Диалогдаги ҳар бир сўзда ўзига хос бадий функция мавжуд. Жумладан. атайлаб Саидий журналнинг расмли жойини кўрсатди, Сорахон эса «суратларни томоша қилди», чунки унинг ақли, фаросати журналдаги расмдан бошқа ҳеч

нарсага етмас эди. Саидийнинг «Менинг ҳикоям» деган жавобида жуда катта гурур, қувонч, қилинган меҳнатининг роҳати бор эди. Афсус, буни Сорахон заррача ҳам фаҳмлай олмади. Саидий ёзган асарига худди ўз фарзандидек қараб, кўзига суртишга тайёр бўлиб турганида, Сорахон: «неча пул беради шунга» деб менсимай қаради.

Шундай қилиб, биз А.Қаҳҳорнинг «Сароб» романидаги икки образ Мунисхон ва Сорахон образларининг айрим қирраларигагина тўхталиб ўтдик. Ҳар икки образни яратишдаги муаллиф маҳоратига имкон даражасида эътиборимизни қаратдик. «Тил – характер ва манзаралар яратиш воситаси», - Бадий асар сўз жиҳатидан сиқик, фикр жиҳатидан кенг бўлиши керак [9]. Бизнингча А.Қаҳҳор маҳорати мураккаб аёллар психологиясини яратишдан ташқари, тасвирлаш санъатининг ўзига хослигида ҳам номоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР

[1]. А.Қаҳҳор. Танланган асарлар «Сароб», 1-том, -Т.: 1987. 140-б. (Кейинги кўчирмалар шу манбадан олинади); [2]. Ўша китоб, 141-142-б.; [3]. Ўша китоб, 117-б.; [4]. Ўша китоб, 117-б.; [5]. Е.Добин «Герой. Сюжет. Деталь. Сов. Писатель. -М.: Ленинград, 1962. -С.375; [6]. Ўша китоб, 145-б.; [7]. Ўша китоб, 206-б.; [8]. Ўша китоб, 206-б.; [9]. Литературно-критические статьи Гослитиздат, -М.: 1937, -С.584.

Ўзбек тилшунослиги кафедраси.

Қабул қилинди:
03.12.2003.

УДК: 4.414.413.9

СИНТАКТИК БИРЛИКЛАРДА ИНВАРИАНТ – ВАРИАНТ МУНОСАБАТИ

Д.Набиева

Синтактик сатҳнинг асосий бирлиги гапдир. Гап ҳам тил ва ҳам нутқ бирлиги саналади.

Тил бирлиги сифатида синтактик, сатҳда кўпчилик тилшунослар томонидан синтактик моделлар (структур схемалар) инвариант деб эътироф этилади. Бу синтактик моделларнинг нутқий занжирда конкрет лексик бирликлар билан тўлдирилиши эса шу синтактик инвариантнинг (моделнинг) вариантлари саналади.

Гарчи синтактик сатҳда синтактик моделлар инвариант, унинг конкрет нутқий жараёнда намоён бўлиши (манифестацияси ёки репрезентацияси) вариантлар эканлиги кўпчилик томонидан эътироф этилган бўлса ҳам, лекин синтактик моделларнинг моҳияти, уни ҳосил қилиш йўллари юзасидан хилма-хил фикрлар мавжуддир.

Тилнинг синтактик сатҳида инвариант-вариантлик муносабати юзасидан Е.И.Шутованинг билдирган фикрича, синтактик моделнинг турли хил реал кўринишлари учун умумий бўлган намунавий маъноси инвариант ҳисобланади. Бу инвариантнинг нутқий жараёндаги хилма-хил кўринишлари эса вариант саналади [1].

Муаллиф нумунавий синтактик маънони синтактик инвариант ҳисоблаган ҳолда, бу инвариант қўидаги вариантлар асосида намоён бўлишини таъкидлайди.

1. Лексик-семантик вариантлар;
2. Лексик-морфологик вариантлар;
3. Морфологик вариантлар
4. Композицион вариантлар.

Шаклий – синтактик инвариантнинг лексик-семантик варианты – бу синтактик моделнинг конкрет лексик бирликлар билан тўлдирилиши асосидаги фарқланувчи инвариант синтактик маънонинг тури саналади [2].